
Тошлоқда ҳам чигит экиш бошланди

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров ва сектор раҳбарлари чигит экиш мавсумига тайёргарлик жараёнлари билан танишиш мақсадида Тошлоқ туманига ташриф буюришди.

Ташриф давомида танланган пахта навлари, кимёвий препаратлар заҳираси кўрилди. Мавсумга тайёрланган техникаларнинг ишчи ҳолати ўрганиб чиқилди.

Шундан сўнг, туман ҳокими ва сектор раҳбарлари, қишлоқ хўжалиги соҳаси мутахассислари, фермер хўжаликлари, отрядлар раҳбарлари ҳамда механизаторлар иштирокида чигит экиш ишларини сифатли ташкил этишга қаратилган семинар бўлиб ўтди.

Вилоят ҳокими чигит экиш икки сменада олиб борилиши, чигит тайёрлаш шахобчаларига бевосита кластер раҳбари жавоб бериши, жараёнда мутахассислар, агрономлар ишлашининг таъминланишини таъкидлаб ўтди. Шунингдек туманимизда ташкил этилган 10 та отряд аъзолари, механизаторларга ишбай ҳақ тўланиши, уларга барча қулайликлар яратилилганлиги ва меҳнатлари мунтазам рағбатлантирилиб борилишига ҳам алоҳида эътибор қаратди.

Кўргазмали семинар давомида Қумариқ ММТП ҳудудидаги "Умидли тонг" фермер хўжалиги майдонида чигит экилиши олдидан қонлик чиқарилди. Иштирокчиларга ош тортилди. Тадбир давомида юртимизга тинчлик, деҳқончиликларимизга барака тиланиб, дуо қилинди.

Семинар сўнгида туманимизда қишлоқ хўжалиги соҳасининг ривожланишига ҳисса қўшаётган бир гуруҳ уста деҳқон нуронийларга пул мукофотлари ва эсдалик совғалари топширилди.

2021-03-27 14:37:05